



## АХОЛИНИ ТАБИЙ ВА ТЕХНОГЕН ХУСУСИЯТЛИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДАН МУХОФАЗА ҚИЛИШ

Собиров Р.С

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Фуқаро муҳофазаси институти, Фавқулодда вазиятларни бартараф этиши ва кичик ҳажмли кема ҳайдовчиларининг тайёрлаш кафедраси ўқитувчиси

**Аннотация:** Мақолада аҳоли яшаши жойларида зилзила билан боғлиқ фавқулодда вазиятларни олдини олишидаги аҳолини ўқитиши даврида фавқулодда вазиятларни олдини олишидаги мавжуд муаммолар кўтарилиган. Фавқулодда вазиятлардан муҳофазалаши тадбирлари орасида аҳолининг барча қатламини зилзила вақтида тўғри ҳаракат қилишига тайёрлаши муҳим аҳамият касб этади. Чунки, фуқароларни зилзила вақтида тўғри ҳаракат қилишига тайёрлаши орқали юзага келиши мумкин фавқулодда вазиятлар оқибатида жабрланганлар сони ва моддий зарарни камайтишига эришиши мумкин. Тақдиқод ишларидан кўзланган асосий мақсад зилзила билан боғлиқ фавқулодда вазиятларни олдини олишида аҳоли яшаши жойларида хавфсизлигини таъминлашига эришишидан иборат. Зилзила ва бошқа турдаги фавқулодда вазиятлар юзага келган тақдирда аҳоли хавфсизликни таъминлаши бўйича хорижий тажрибаларни ўрганиш, олинган маълумотларни тизимили таҳлил қилиши, шунингдек соҳа бўйича юртимизда мавжуд бўлган муаммоларни ўрганиб чиқиб, хориж тажрибасини амалиётга тадбиқ этиши бўйича зилзила вақтида тегишили ҳаракат ва тадбирларни амалга оширишини йўлга қўйиши, самарадорлигини ошириши мақсадида илмий тавсиялар берилди.

**Калит сўзлар:** зилзила, аҳолини тайёрлаши, фавқулодда вазият, ҳаётий фаолият хавфсизлиги, фуқаро муҳофазаси, профилактика, ўқитиши, тайёрлаши, анализ.

**Ключевые слова:** землетрясение, обучение населения, чрезвычайная ситуация, безопасность жизнедеятельности, гражданская защита, профилактика, обучение, образование, анализ.

**Key words:** earthquake, education of the population, emergency, life safety, civil protection, prevention, training, education, analysis.

Сўнгги йилларда дунёда юзага келаётган кўплаб табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар кишилик жамиятини хавфсизлик масалаларига эътиборни кучайтиromoқда. Албатта, юқори технология ва замонавий техника воситаларни қўлланиши орқали фавқулодда вазиятларни олдини олиш, оқибатларини бартараф этиш услубларини янада самарали олиб бориш имкониятларини яратди.

Ушбу тадбирларни сифатли ташкил этиш, энг аввало инсон онги, унинг тафаккурини ўстириш, зарурий маълумотларни етказиб беришдек масалаларга боғлиқдир. Шунинг учун ҳам республика сиёсатининг устувор йўналишларидан бири аҳолининг хавфсизлигини таъминлаш, уларни турли хавфлардан муҳофаза қилиш,



келиб чиқиш сабабларини аниқлаш, олдини олиш тадбирларини ҳамда энг муҳими юзага келадиган аҳолини тўғри ҳаракат қилишга ўргатишидир. Ҳаёт тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, фавқулодда вазиятларни олдини олиш, содир бўлганда тўғри ҳаракат қилишга ўргатиш масалаларини ёшлиқдан бошлаш заминида олиб борилаётган тадбирларни самарали ташкил этиш ижобий натижаларга олиб келади.

Шу сабабли, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини камайтириш тадбирлари нафакат жисмоний шахслар, балки давлат ҳамда бутун дунё ҳамжамиятини қизиқтирадиган, ҳал қилиш зарур бўлган долзарб муаммолардан бири хисобланади.

Маълумки, Ўзбекистон худудининг 70-80 % сейсмик фаол зонада жойлашган бўлиб, бундай хавфли худудларда истиқомат қиласидан фуқаро зилзила табиатини, унинг намоён бўлиш ва тарқалиш қонуниятларини билиши, унинг талофатларини камайтириш бўйича зарур чора-тадбирларни белгилаш кўникмасига эга бўлиши муҳим аҳамият касб этади.

Шу муносабат билан, “Аҳолини ва худудларни табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Фуқаро муҳофазаси тўғрисида”ги Қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 сентябрдаги “Аҳолини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга ва фуқаро муҳофазаси соҳасида тайёрлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 754-сонли, 2023 йил

29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси фавқулодда

вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизими фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 171-сонли қарорлари ижросини таъминлаш, республика аҳоли яшаш жойларида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва улар содир бўлганда тўғри ҳаракат қилишга ўқитишни ташкил этишнинг узлуксизлигини таъминлаш ҳозирги кундаги долзарб муаммолардан биридир.

Фавқулодда вазиятлардан муҳофазалаш тадбирлари орасида аҳолининг барча қатламини, зилзила вақтида тўғри ҳаракат қилишга тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади. Чунки, фуқароларни зилзила вақтида тўғри ҳаракат қилишга тайёрлаш орқали юзага келиши мумкин фавқулодда вазиятлар оқибатида жабрланганлар сони ва моддий зарарни камайтиришга эришиш мумкин. Соҳа мутахассисларининг фикрига кўра, зилзила вақтида жабрланганларнинг аксариятини тайёргарликдан ўтмаганлар, аниқроғи тўғри ҳаракат қилишни билмайдиганлар ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Аҳолини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга ва фуқаро муҳофazasi соҳasida tayёрlaш tarbiyini takomillashchi t'ugrisida”gi Karorida aҳolining favqulodda vaziyatlarning oldini olish va enginlar profilaktikasi boyicha tayёрgarligini oshirish hamda faol iştirokini taъminlaш borasiда xar haftaning chorshanba kundari tashkilotlarda va maҳallalarda aҳolinинг favqulodda vaziyatlarning oldini olish va enginlar profilaktikasi boyicha tayёрgarligini oshirish hamda faol iştirokini taъminlaш tadbillari utkaziladi;



ФВДТ таркибидаги вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар ҳамда маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари томонидан ушбу кун давомида қўйидаги асосий тадбирлар кенг қамровда амалга оширилади:

Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида банд бўлган аҳоли, мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари, умумий ўрта таълим мактаблари ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълим муассасалари ўқувчлари ҳамда олий таълим муассасалари талабалари билан семинарлар ва мавзули ўқув машғулотлари ўтказилади, уларга тарғибот-ташвиқот материаллари тарқатилади ва зарур тадбирла юзасидан тавсиялар берилади;

аҳоли кўп тўпланадиган жойларда ва жамоат транспортида фавқулодда вазиятлар, шу жумладан, ёнгинларнинг олдини олишга қаратилган плакатлар, шунингдек, улардаги мавжуд таблолар ва мониторларга, Интернет сайтларга ижтимоий роликлар жойлаштирилади деб, қарорда белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунда фуқароларнинг фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги мажбуриятлари берилган бўлиб, бунда фуқаролар хавфсизлик чорасига риоя этиши, ишлаб чиқариш интизомининг ва технологик интизомнинг, экологик хавфсизлик талабарининг фавқулодда вазиятлар рўй беришига олиб келиши мумкин бўлган бузилишларга йўл қўймаслиги;

Фавқулодда вазиятлардан муҳофазаланишнинг асосий усусларини, жабрланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш йўлларини ўрганиши ҳамда ўз билимлари ва амалий қўнималарини такомиллаштириши;

Фавқулодда вазиятлар рўй беришига олиб келиши мумкин бўлган авариялар, оғатлар, ҳалокатлар ва ёнгинлар хавфидан дарак берувчи аниқланган аломатлар тўғрисида тегишли органларни хабардор қилиши;

Фавқулодда вазиятлар рўй бериши хавфи шароитларидағи ва фавқулодда вазиятлар рўй берган шароитлардаги огоҳлантириш сигналларини, юриш-туриш қоидаларини ҳамда харакат қилиш тартибини, умумий ва якка муҳофазаланиш воситаларидан фойдаланиш усусларини билиши;

зарур бўлганда, қутқарув ишларини ва кечиктириб бўлмайдиган бошқа ишларни амалга оширишга қўмаклашиши шарт.

Фуқароларнинг зиммасида қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин деб белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаро муҳофазаси тўғрисидаги” Қонунда аҳолини ва мутахассисларни фуқаро муҳофазаси соҳасида тайёрлаш умумтаълим мактаблари, академик лицейлар, касб-хунар коллежлари, олий ўқув юртлари, ишлаб чиқариш ва яшаш жойларида аҳолини фуқаро муҳофазаси соҳасидаги ўргатиш умумий ва мажбурийдир деб белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва